

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2022 йил февраль ойининг 3 куни, жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида

Раислик қилувчи: И.Норматов

судья ёрдамчиси - Ф.Каримовнинг котиблигида, давлат айбловчиси - Булоқбоши туман прокурорининг ёрдамчиси А.Тохтасинов, судланувчи М.Исмоилов ва унинг ҳимоячиси - адвокат С.Исманов, фуқаровий даъвогар С.Нурматовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б, в, г” бандлари, 209-моддасининг 1-қисми билан [REDACTED] ни айблаш ҳақидаги 1-1705-2101/150-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED] - 1968 йил 25 ноябрь куни Андижон вилояти, Хўжаобод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман судининг 2013 йил 24 июлдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б, в, г” бандлари, 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман судининг 2013 йил 24 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в, г” бандлари, 168-моддаси 2-қисмининг “в” банди, 209-моддасининг 1-қисми, 28, 211-моддасининг 1-қисми 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45,59,61-моддалари тартибида 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда 50 баравар миқдорида, яъни 6.512.000 сўм жарима жазоси тайинланган, шу суднинг 2017 йил 18 апрелдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилган, вақтинча ишсиз, муқаддам Булоқбоши тумани Халқ таълими бўлими бош ҳисобчи



Ўринбосари лавозимида ишлаган, Андижон вилояти,
 [REDACTED] иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 23 декабрь куни олган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Исмоилов Булоқбоши тумани Халқ таълими бўлимида бош ҳисобчи ўринбосари лавозимида ишлаб келиб, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш ҳамда мансаб сохтакорлиги жиноятларини қуйидаги ҳолатда қасддан содир этган.

Жумладан, у 2018 йил 2 январдан Булоқбоши тумани Халқ таълими бўлими марказлашган ҳисобхонаси бош ҳисобчи ўринбосари лавозимида ишлаб келиб, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, бошқа шахс (*жиноят ишининг унга оид қисми мазмунан ҳал қилинган*) билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, зиммасига Булоқбоши тумани ХТБга қарашли 6, 13, 14 ва 17-умумтаълим мактабларининг ишчи-ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш вазифаси юклатилганлигидан фойдаланиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали, мактабларда меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларга ишдан озод бўлган даври учун иш ҳақи, ходимларга асоссиз ҳисобланиб тўланган қайта ҳисобкитоб қилинган иш ҳақи, педагог ходимларга соатбай дарслари учун ортиқча иш ҳақи, асоссиз мукофот пулларини ҳисоблаш орқали, банкдан иш ҳақи учун ортиқча нақд пул маблағларини олишга эришиб, касса ҳисоботида асословчи ҳужжат бўлмасида пул маблағларини асоссиз ҳаражатга чиқариш ва бошқа усуллар билан, 6-умумтаълим мактабида 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда жами бўлиб 15.540.000 сўм, 13-умумтаълим мактабида 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда 22.000.000 сўм, 14-умумтаълим мактабида 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда 14.500.000 сўм, 17-умумтаълим мактабида



2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда 9.100.000 сўм, жами бўлиб 61.140.000 сўм пул маблағларини ўзларининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиб, давлат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Судланувчи Э.Сотволдиев судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатан ҳам, 2018 йил 2 январдан Булоқбоши туман ХТБга қарашли марказлашган ҳисобхона бош ҳисобчиси ўринбосари лавозимида 2021 йил 26 август кунига қадар ишлаб келганман. Ҳақиқатан ҳам, 2020 йилда мен ХТБнинг марказлашган ҳисобхонаси бош ҳисобчиси ўринбосари лавозимида ишлаганман ва мен билан бирга Э.Сотволдиев ҳам ҳисобчи бўлиб ишлаб келган. Ўша пайтда бизни ҳисобхонада текшириш ўтказилиб, Э.Сотволдиевга бириктирилган мактаблардан тахминан 190.000.000 сўм камомад аниқланган. Ўша пайтда мен ХТБнинг маъмурий биносида ўтирган вақтимда Э.Сотволдиев олдимга келиб, “Қийналиб кетдим, ўзимни-ўзим осиб қўйсамми”,-деб гапирган. Шунда мен Эркин билан гаплашган вақтимда, у кредит маблағи олиш учун ҳужжатлар расмийлаштираётганини айтган. Ўша пайтда мен Эркинни кўлида ҳақиқатдан ҳам кредит олиш учун ҳужжатлар тўплаётганини кўрганман. Шунда Эркин мендан келтирилган зарарни қоплаш учун ёрдам сўраб, агар кредит маблағи чиқса ушбу маблағларни ўз жойига қўйиб қўйишини илтимос қилган. Шунда мен унга ёрдам бериш мақсадида ҳақиқатдан ҳам 6-мактабнинг иш ҳақидан 15.540.000 сўм олишига ёрдам берганман. Ўша пайтда Эркин 6-мактабнинг ҳисобчисининг логин паролидан Узасбо дастурига кириб, 15.540.000 сўмга сўровнома юборган ва бош ҳисобчининг ҳам логин пароли билан ушбу маблағни ғазнага юборган. Ўша пайтда вилоятда коронавирус тарқалгани сабабли барча мактабларнинг нақд пул олиш учун чеклари менда сақлангани сабабли 6-мактабнинг чекига 15.540.000 иш ҳақи учун пул маблағи ёзиб чекни тўлдириб, бошқа мактабларни чекига қўшиб туман Агробанкка ташлаб келганман. Шундан сўнг Эркин 6-мактабни чекини олиб бориб, Агробанқдан ўша 15.540.000 сўм маблағни олиб ўзининг эҳтиёжларига ишлатган. Ўша пайтда биз гаплашаётган вақтимизда бизни олдимизда бош ҳисобчи М.Исмоилов бўлмаган. Мен Эркинни Муроджон билан гаплашган ёки гаплашмаганидан хабарим йўқ. Гаплашган вақтимизда Муроджон бизни олдимизда бўлмаган ва бу гаплардан хабардор бўлмаган. Бироқ бундан аввал ҳам Эркин мендан ёрдам сўраб келган вақтида сўровномани бош ҳисобчи тасдиқлашини айтиб Муроджондан сўраб кўришини айтганман. Бироқ уларни мен гаплашган ёки гаплашмаганини билмайман. Лекин бу масалада мен ҳам Муроджон билан гаплашмаганман. Ҳақиқатдан ҳам мен ХТБнинг марказлашган ҳисобхонаси бош ҳисобчиси ўринбосари лавозимида ишлаган вақтимда 13-мактабнинг касса ҳисоботини мен



базариб келганман. Ўша пайтда Эркин 13-мактабга бириктирилган ҳисобчи бўлгани сабабли, 1 марта 10 млн. сўмга, 1 марта 12 млн. сўмга ортиқча сўровнома юбориб кассага чиқариб олган экан. Ўша пайтда Эркин мактаб кассиридан ушбу маблағни банкга топшириб қўяман деб олган экан. Сўнг мен ушбу мактабни касса ҳисоботини қилаётган вақтимда ушбу 10 млн. сўм маблағни тарқатилгани ҳақида тўлов қайдномалари чиқмаган. Мен Эркиндан сўраган вақтимда ушбу пулларни эски камомадини қоплаш учун тўлаб юборганини айтиб, ушбу маблағларни кейинчалик қайтариб қўйишини айтган. Шундан сўнг мен унга ишониб касса ҳисоботида ушбу маблағларни ходимларга тарқатилгани ҳақида ҳаражатга чиқариб юборганман. Ушбу аниқланган ҳолатлар юзасидан ҳақиқатдан ҳам ўша пайтда Э.Сотволдиевга 14-мактаб бириктирилган, Эркин 14-мактабнинг ҳисобчиси бўлгани сабабли Узасбо дастурига 14.500.000 сўмга ортиқча сўровнома юборган ва ушбу маблағни ортиқча чиқарилишига эришган. Ўша пайтда мендан ёрдам сўраганлиги сабабли мен ҳақиқатдан ҳам банкдан пул олиш учун чекини ёзиб берганман. Лекин мен уни банкдан пулни қандай олгани билмайман. Шундан сўнг Эркин ўша пулларни ҳам олиб, камомадига тўлаб юборганини биламан. Ушбу ҳолат ҳам юқорида айтиб ўтган 6-мактабнинг чеклари билан бир вақтда расмийлаштирилган. Ушбу ҳолатда ҳам биз гаплашаётган вақтимизда бизни олдимизда бош ҳисобчи М.Исмоилов бўлмаган. Мен Эркинни Муроджон билан гаплашган ёки гаплашмаганидан хабарим йўқ. Лекин бу масалада мен Муроджон билан гаплашмаганман. Ушбу аниқланган ҳолатлар юзасидан ҳақиқатдан ҳам Эркин мендан келтирилган зарарни қоплаш учун ёрдам сўраб, агар кредит маблағи чиқса ушбу маблағларни ўз жойига қўйиб қўйишини илтимос қилган. Шунда мен унга ёрдам бериш мақсадида ҳақиқатдан ҳам 17-мактабнинг иш ҳақидан 9.100.000 сўм олишига ёрдам берганман. Ўша пайтда Эркин 17-мактабнинг ҳисобчисининг логин паролидан Узасбо дастурига кириб, 9.100.000 сўровнома юборган ва бош ҳисобчининг ҳам логин пароли билан ушбу маблағни ғазнага юборган. Сўнг ўша пайтда вилоятда коронавирус тарқалгани сабабли барча мактабларнинг нақд пул олиш учун чеклари менда сақлангани сабабли, ўша пайтда 17-мактабнинг чекига 9.100.000 иш ҳақи учун пул маблағи ёзиб чекни тўлдириб, бошқа мактабларни чекига қўшиб туман Агро банкга ташлаб келганман. Шундан сўнг Эркин у ердан 17-мактабни чекини олиб, ўша 9.100.000 сўм маблағни олиб ўзининг эхтиёжларига ишлатган.

Фуқаровий даъвогар С.Нурматов судда, ҳақиқатан ҳам, Булоқбоши туман Халқ таълими бўлимида ўтказилган текширишда бўлим мансабдор шахслари томонидан жами 362.358.500 сўм бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги аниқланганлигини, ушбу моддий зарардан 61.140.000 сўми М.Исмоиловнинг ҳиссасига тўғри келишини, иш бўйича етказилган моддий зарарнинг 101.203.000 сўми



ўқитувчилар ва бошқа ходимларнинг иш ҳақиларидан Булоқбоши тумани маҳаллий бюджетига қайтарилганлигини, 261.155.500 сўми Андижон вилоят прокуратурасининг “Ипотекабанк” АТИБ Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб-рақамига топшириш орқали қопланганлигини баён қилди.

Гувоҳ Э.Сотволдиев судда, 2018 йил 2 январдан Булоқбоши туман ХТБга қарашли марказлашган ҳисобхона ҳисобчиси лавозимида 2020 йил 5 май кунига қадар ишлаб келганлигини, унга ХТБ бошлиғининг 31.12.2017 йилдаги буйруғига асосан ХТБга қарашли 9,11,13,14,26-сонли мактаблар, сўнг 05.11.2018 йилдаги буйруққа асосан 11,13,14,26-сонли мактабларни бугалтерия ҳисоб-китоб ишларини юритиш вазифаси юклатилганлигини, уни ушбу лавозимда хизмат вазифаларига унга бириктирилган мактаблардан ишловчи педагог ва ишчи ходимларга тасдиқланган иш вақтини ҳисобга олиш табелларида кўрсатилган иш соатлари ва штат бирликлари бўйича ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўғри ҳисоблигини, “Узасбо” дастурий мажмуасида юқоридаги ишларни шакллантиришлигини, тўловларни амалга ошириш бўйича тўлов топшириқномаларини марказга юборишлигини, мактабларга киримга олинаётган нақд пул маблағларини тўғри ҳаражатга чиқарилишини назорат қилишлигини, “Узасбо” дастурида ойма-ой сўровномаларни шакллантириб марказга юбориш ва бу борадаги ҳукумат қарор ва низомларига риоя этган ҳолда иш ҳаққи ҳисоблашлигини, тўлаш ва бошқа вазифалар киришини, туман прокуратурасининг қарорига асосан унга бириктирилган мактабларда тафтиш ўтказилганлигини, унга бириктирилган 11-сонли умумтаълим мактабида 4 нафар ишдан озод бўлган ходимларга “Узасбо” дастурида уларни ишлаётгани ҳақида кўрсатиб, у 4.762.300 сўм ортиқча иш ҳаққи ҳисоблаганлигини, шунингдек, 1 нафар ҳодимга 1.263.600 сўм асоссиз тўланган иш ҳаққи, 7 нафар ҳодимларга 4.319.600 сўм ортиқча тўланган соатбай иш ҳаққи, 4.067.800 сўм асоссиз тўланган 2 маротаба тўланган мукофот пуллари, 2 нафар ҳодимга ортиқча тўланган 53.800 сўм меҳнат таътил пулларинини ҳақиқатдан ҳам нотўғри ҳисоб-китоб қилиш натижасида тўлаб юборганлигини, бундан ташқари мактаб ғазнасига кирим қилинган пуллардан 3.655.800 сўм ва 2.634.600 сўм пул маблағини чиқим ҳужжати бўлмаган бўлсада, ушбу пул маблағини пул маблағи асоссиз ҳаражатга чиқариб касса ҳисоботини тузганлигини, у ушбу пул маблағини кассир М.Мўминовдан олганлигини, бундан ташқари, унга бириктирилган 13-сонли мактабда 21 нафар ҳодимга 1.316.700 сўм меҳнат таътил пулларини ортиқча тўланганлигини, 23 нафар ҳодимга 15.785.200 сўм ортиқча иш ҳаққи асоссиз тўланганлигини 15 нафар ҳодимларга ортиқча 14.070.300 сўм соатбай иш ҳаққини тўлагани тўғри аниқланганлигини, ушбу ҳолатлар уни ушбу иш ҳаққиларини нотўғри ҳисоблаши натижасида келиб чиққанлигини, ушбу мактабнинг ғазнасидаги 22.381.900 сўм камомад бўйича у ушбу



маблағни 2 бўлиб, яъни бир марта 10 млн. бир марта 12 млн. қилиб “УзАсбо” дастурида ушбу маблаққа ортиқча сўровнома юбориб, мактаб ғазнасига чиқарилишига эришганлигини, сўнг мазкур мактаб ғазначиси Х.Қодирова унга ушбу маблағ ходимларга тарқатилган пулдан ортиб қолганини айтганидан сўнг, у унга ушбу пулларни ўзи банкка топшириб қўйишини айтиб, ушбу пулларни ўзида олиб қолганлигини, шунингдек, унга бириктирилган 14 мактабда ҳам аниқланган ҳолатлар тўғри эканлигини, ушбу мактабда 5 нафар ишдан озод бўлган ходимларга у жами 11.689.200 сўм ортиқча иш ҳаққи ҳисоблаганлигини, улар аслида ушбу мактабда ишламасада у уларни “Узасбо” дастурига ишлагани ҳақида киритиб, ушбу маблағни чиқарилишига эришиб, ўзининг пластик картасига тушириш орқали эгаллаганлигини, шунингдек, ушбу мактабда 13 нафар ходимга 38.100 сўм меҳнат таътил пулларини ортиқча тўланганлигини, 2 нафар ходимларга 103.900 сўм соатбай иш ҳаққини ортиқча тўланганлигини, 13 нафар ходимга асоссиз ҳисобланиб тўланган 17.112.900 сўм қайта ҳисоб китоб ортиқча иш ҳаққи тўлаганлигини, 18 нафар ходимларга ортиқча тўланган 3.834.900 сўм соатбай иш ҳаққини тўлаб юборгани тўғри аниқланганлигини, шунингдек, ушбу мактаб ғазнасидаги 11 та ҳолатда 69.507.700 сўм чиқим хужжати бўлмаган пул маблағлари бўйича, у ушбу маблағларни ҳам “Узасбо” дастурига ортиқча сўровнома киритиш орқали мактаб ғазнасига чиқарилишига эришиб, мактаб кассири М.Исмоилова унга ушбу маблағ ходимларга тарқатилганидан ортиб қолгани ҳақида айтганида у ушбу маблағларни ўзида олиб қолиб ўз эҳтиёжига ишлатганлигини, кассир М.Исмоилова ушбу маблағлардан жами 5 млн. сўм манфатдор бўлганлигини, қолган пулларни ўзи ишлатганлигини, у ундан хар доим ортиқча пул маблағи олаётган вақтида унга 200.000-300.000 сўмдан бериб келганлигини, шунингдек, 26-мактабда ҳам аниқланган ҳолатлар тўғри эканлигини, 2 нафар ишдан озод бўлган ходимларга у юқорида айтиб ўтганидек 8.117.600 сўм ортиқча иш ҳаққи ҳисоблаганлигини, мазкур пулларни ўзи олганлигини, шунингдек, ушбу мактабда 21 нафар ходимга 4.413.700 сўм меҳнат таътил пуллари ортиқча тўланганлигини, 20 нафар ходимга 5.171.300 сўм асоссиз ҳисобланиб тўланган қайта ҳисоб китоб ортиқча иш ҳаққи тўлаганлигини, 8 нафар ходимларга 3.897.900 сўм соатбай иш ҳаққини ортиқча тўлангани тўғри аниқланганлигини, ушбу мактаб ғазнасидаги 9 та ҳолатда 87.205.500 сўм чиқим хужжати бўлмаган пул маблағлари бўйича у ушбу маблағларни ҳам “Узасбо” дастурига ортиқча сўровнома киритиш орқали мактаб ғазнасига чиқарилишига эришиб, мактаб кассири Қ.Юлдашев унга ушбу маблағ ходимларга тарқатилганидан ортиб қолгани ҳақида айтганида у ушбу маблағларни ўзида олиб қолиб ўз эҳтиёжига ишлатганлигини, кассир Қ.Юлдашев ушбу маблағлардан жами 15 млн. сўм манфаатдор бўлганлигини, қолган пулларни ўзи ишлатганлигини, у ундан хар доим ортиқча пул маблағи



олаётган вақтида унга 500.000-600.000 сўмдан бериб келганлигини, бундан ташқари, туман ХТБга қарашли 6,17-сонли умумтаълим мактабларини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини ҳисоблаш унга бириктирилмаганлигини, бироқ у 2020 йил июнь ойида муассаларда ишлаш тизими масофавий (online) тарзда ташкил этилганидан фойдаланиб, 6,17-сонли умумтаълим мактабларининг ҳисобчиларидан ушбу мактабларни 2020 йил июнь ойи иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини ҳисоблаб беришини айтиб, уларни “УзАСБО” дастурига кириш учун логин ва паролларини олиб, ушбу дастур орқали 6-сонли умумтаълим мактаби ғазнасига ортиқча 15.540.000 сўм нақд пул маблағларини банк муассасасидан олиш учун тасдиқланган электрон сўровномалар шакллантирганлигини, ушбу ҳолатдан бош хисобчи ёрдамчиси Мухаммадюсуф ака хабардор бўлгани сабабли, у пул маблағини олиш учун чек варақаларини унга ёзиб берганлигини, у ушбу чекка асосан 15.540.000 сўм нақд пул маблағини олганлигини, шунингдек, 17-сонли умумтаълим мактаби ғазнасига ҳам ортиқча 9.100.000 сўм нақд пул маблағларини банк муассасасидан олиш учун тасдиқланган электрон сўровномалар шакллантирганлигини, ушбу пул маблағини олиш учун ҳам Мухаммадюсуф ака чек варақаларини унга ёзиб берганлигини, сўнг у ушбу 9.100.000 сўм нақд пул маблағини банкдан олганлигини баён қилди.

Гувоҳ Ж.Ўринбоев дастлабки тергов ва ўтган судда, ҳақиқатан ҳам у, Андижон вилоят давлат молиявий назорат бошқармаси бош назоратчи тафтишчиси вазифасида 2010 йилнинг октябрь ойидан буён ишлаб келишини, хизмат вазифаларига асосан бюджет маблағлари мақсадли сарфланиши юзасидан бюджет ташкилотларида назорат тадбирлари ўтказиш, текширишда тўпланган ҳужжатларни тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш ва бошқа шу кабилар вазилар киришини, Булоқбоши туман прокуратурасининг тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда бошқармамиз раҳбарини буйруғига асосан у ва бошқарма бўлим бошлиғи ўринбосари Ж.Ўринбоевлар Булоқбоши туман ХТБ ва унга қарашли муассасаларда бюджет маблағларини мақсадли сарфланиши юзасидан тафтиш ўтказиш учун текширишга чиқишганлигини, текширишда ХТБнинг марказлаштирилган ҳособхонаси собиқ хисобчиси Э.Сотволдиевга бириктирилган Булоқбоши ХТБга қарашли 11,13,14,26-сонли мактабларда ҳамда Э.Сотволдиевга бириктирилмаган бўлсада, Э.Сотволдиев томонидан асоссиз ҳаржатга чиқарилган ҳаракатлари содир этилган 6,17-сонли мактабларда бюджет маблағларини сарфланиши тўлиқ ўрганишганлигини, текшириш ХТБнинг 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелига қадар бўлган фаолияти юзасидан олиб борилганлигини, ўтказилган назорат тадбирида 11-мактабда жами 33.331,8 минг сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, мактабнинг педагог ва ишчи



ходимларига 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврларда ҳисобланган иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловларни тўғри ҳисобланиши ҳамда тегишли тартибда тўланиши текширилганда қуйидагилар аниқланганлигини, жумладан, меҳнат фани ўқитувчиси вазифасида ишлаган Ахмедова Табассум мактабнинг 2019 йил 15 февралдаги 60-К-сонли буйруғи билан ишдан озод қилинган бўлсада, унга 2019 йил март ойида 1.049,4 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 136,4 минг сўм ушланиб, қўлга тегиш қисми нақд пулда 913,6 минг сўм, май ойида 1049,4 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 136,4 минг сўм ушланиб, қўлга тегиш қисми нақд пулда 913,6 минг сўм, жами 1.826,0 минг сўм иш ҳақи асосиз ҳисобланганлигини, ходимга берилмасдан касса ҳисоботида асосиз ҳаражатга чиқариб юборилганлигини, шунингдек, фаррош вазифасида ишлаган Акбарова Хаётхон мактабнинг 2019 йил 17 июндаги 111-К-сонли буйруғи билан ишдан озод қилинган бўлсада, унга 2019 йил июнь ойига тўлиқ иш куни ҳисобланиши натижасида мажбурий ушланмалардан ташқари 126,9 минг сўм, июль ойига 251,0 минг сўм, жами 378,0 минг сўм, фаррош вазифасида ишлаган Акбарова Дилором мактабнинг 2019 йил 30 сентябрдаги 13-К-сонли буйруғи билан ишдан озод қилинган бўлсада, унга 2019 йил ноябрь ойига мажбурий ушланмалардан ташқари 265,3 минг сўм, декабрь ойига 265,3 минг сўм, жами 530,6 минг сўм 3 та ҳолатда 3 нафар ишдан озод бўлган ходимларга жами 2.734,6 минг сўм иш ҳақлари асосиз ҳисобланганлиги, ходимларга берилмасдан касса ҳисоботида асосиз ҳаражатга чиқариб юборилгани аниқланганлигини, ўрганишда ушбу маблағни ҳисобчи Э.Сотволдиев юқоридаги ҳодимлар аслида ишламаган бўлсада, мактаб директори томонидан тақдим этилган табелларда уларни исм-шарифи ишлагани ҳақида кўрсатилмаган бўлсада, ҳисобчи Э.Сотволдиев уларни исм шарифини “УзАсбо” дастурига киритиб, уларга ойлик иш ҳаққи тўланишига эришиб, ушбу пулларни асосиз ҳаражатга чиқарилишига йўл қўйганлигини, бундан ташқари, бошланғич синф ўқитувчиси Ташлянов Махамаджон мактабнинг 2019 йил 3 сентябрдаги 1-К-сонли буйруғи билан ишдан озод қилинган бўлсада, унга 2020 йил май ойида 5.455,0 минг сўм меҳнат таътили ҳисобланганлигини, мажбурий ушланмаларга 692,7 минг сўм ушланиб, қўлга тегиш қисмида 4.762,3 минг сўм меҳнат таътили асосиз ҳисобланиб, ходимнинг хумо пластик картасига ўтказилганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳисобланган вақт ҳисобчи Ш.Парпиева даврига тўғри келсада, ўрганишда Ш.Парпиева текширишга Э.Сотволдиевни тилхатини тақдим этиб, май ойи ҳисоботини ҳам Э.Сотволдиев ҳисоблаганини маълум қилганлигини, бундан ташқари, мактабнинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари М.Мўминовга қўшимча иш бажарганлиги тўғрисида буйруқ ёки бирон бир ҳужжат бўлмасда, унга 2019 йил октябрь ойида иш ҳақига қўшимча 1.452,4 минг сўм “УзАсбо” дастурида



қайта ҳисоб-китоб ҳисоблаб, мажбурий ушланмаларга 188,8 минг сўм ушланиб, қўлга тегиш қисмида 1.263,6 минг сўм асосиз ҳисобланиб тўланишига йўл қўйганлигини, бундан ташқари, жами 7 нафар педагог ходимларга аслида бажармаган соатбай дарс соатлари учун жами 5095,4 минг сўм иш ҳақлари ортиқча ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, хусусан, мактабнинг директори А.Хайдаровга 2019 йил октябрь ойида ўқув режаси бўйича соатбай дарс соати 40 соат белгиланган бўлсада, унга “УзАСБО” дастурида 56 соат соатбай дарс соатларини бажарганлигини киритилиб ёки режага нисбатан 16 соат соатбай дарс соати ортиқча киритилиши натижасида мажбурий ушланмалардан ташқари 75,5 минг сўм, 2020 йил апрель ойида мажбурий ушланмалардан ташқари 144,7 минг сўм, 2020 йил октябрь ойида мажбурий ушланмалардан ташқари 45,7 минг сўм жами 265,9 минг сўм, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари О.Асадуллаевага 2019 йил октябрь ойида 21,3 минг сўм, 2020 йил апрел ойида 36,6 минг сўм, 2020 йил октябрь ойида 80,5 минг сўм жами 138,4 минг сўм, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Г.Ризаевага 2019 йил октябрь ойида 583,8 минг сўм, 2020 йил апрел ойида 124,9 минг сўм, 2020 йил октябрь ойида 36,0 минг сўм жами 744,7 минг сўм, чақириққача ёшларни тайёрлаш раҳбари Ф.Гайматовга 2019 йил октябрь ойида 346,6 минг сўм, информатика ва математика фани ўқитувчиси Э.Қодировга 2019 йил октябрь ойида 683,3 минг сўм, ноябрь ойида 442,7 минг сўм, декабрь ойида 757,4 минг сўм жами 1883,4 минг сўм, ёшлар етакчиси Б.Ҳамдамовга 2019 йил ноябрь ойида 704,5 минг сўм, психолог Д.Собировага 2019 йил ноябрь ойида 704,5 минг сўм, 2020 йил февраль ойида 307,7 минг сўм жами 1.012,2 минг сўм тўлаб, жами 7 нафар педагог ходимларга аслида бажармаган соатбай дарс соатлари учун жами 5095,4 минг сўм иш ҳақлари ортиқча ҳисобланиб тўланишига йўл қўйганлигини, шундан 162,6 минг сўми ҳисобчи Ш.Парпиевани ишлаган даврига, қолган 4.932,8 минг сўми Э.Сотволдиев ишлаган даврга тўғри келагилгини, бу билан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва Меҳнат муносабатлари вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда 3157-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига амал қилинмаганлигини, бундан ташқари, Мактабнинг педагог ва ишчи ходимларга ҳисобланиб тўланган моддий рағбатлантириш маблағлари текширилганда қуйидагилар аниқланганлигини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига 4 илова Умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган кўрсаткичларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси



тўғрисидаги НИЗОМ нинг умумий қоидалар 1 бўлимини 3 бандида директор жамғармаси маблағлари умумтаълим муассасалари ходимларига бир марталик мукофотлар тўлашга ва моддий ёрдам кўрсатишга (фавқулодда ҳолларда) йўналтирилади деб белгиланган бўлсада, мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбсари О.Асадуллаевага 2019 йил март ойида моддий рағбатлантириш пули ҳисобланиб тўланган бўлишига қарамай, юқоридаги низом талабларига зид равишда 2019 йил сентябрь ойида иккинчи мартаба 2.460,0 минг сўм моддий рағбатлантириш ҳисобланганлигини, мажбурий ушланмаларга 319,8 минг сўм ушланиб, қўлга тегиш қисмида 2.140,3 минг сўм, юқори синф ўқитувчиси З.Обидовага 2019 йил март ойида моддий рағбатлантириш пули ҳисобланиб тўланган бўлишига қарамай, 2019 йил сентябрь ойида иккинчи мартаба 2.215,6 минг сўм моддий рағбатлантириш ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 288,0 минг сўм ушланиб, қўлга тегиш қисмида 1.927,6 минг сўм 2 нафар ходимларга 4.067,8 минг сўм моддий рағбатлантириш пуллари ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, бунда ушбу 2 марта мукофот пуллари олган ходимларга директор жамғармасининг буйруғига асосан тўланган бўлиб, бунда буйруққа мактаб директори А.Ҳайдаров имзо қўйган бўлиб, бунда Э.Сотволдиев ушбу буйруқни нотўғрилигини билиши лозим бўлсада, бироқ ушбу мукофот пулларини тўланишига йўл қўйганлигини, бундан ташқари, мактабнинг педагог ва ишчи ходимларига 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда меҳнат таътилларини тўғри ҳисобланиб тўланиши текширилганда қуйидагилар аниқланганлигини, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 232-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2018 йил 17 мартда 2985-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 8-қ/қ-сонли ҳамда Молия вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 47-сонли “Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолиндиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” ги қарорининг иловаси билан тасдиқланган “Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолиндиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома талабларига амал қилинмасдан умумтаълим мактабида 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бор педагог ходимларнинг 48 кунлик меҳнат таътилига қўшимча уч куни ҳақ тўланадиган таътил қўшиб ҳамда иш ҳақига меҳнат таътилига қўшимча устамаларни ҳисоблашда ўртача иш ҳақини нотўғри ҳисобланиши натижасида жами 19 нафар ишчи ҳодимларга тўланиши лозим бўлган меҳнат таътил пулларига аслида пулсиз бериладиган 3 кун меҳнат таътил кунига ҳам пул ҳисоблаб жами 4.108,0 минг сўм ортиқча пул ҳисоблаб тўланишига йўл қўйилганлигини, шундан Э.Сотволдиев даврига 2 нафар ҳодимга 53,8 минг сўм, ҳисобчи Ш.Парпиева даврига



4.047.0 минг сўм тўлангани тўғри келганлигини, бундан ташқари, 11-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2020-2021 ўқув йили учун тузилган тарификация жадвалига Д.Собировани диплом бўйича мутахассислиги психолог бўлсада, тарификация жадвали бўйича соатбай асосида технология дарс соатлари берилиб, унга номутахассис сифатида 2020 йил 1 сентябрдан 2021 йил 1 февралга қадар 3.800,7 минг сўм иш хақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 456,0 минг сўм ушланиб, қўлга тегиш қисмида 3.344,6 минг сўм ҳисобланиб тўланганлигини, шунингдек, Р.Сойибжоновани диплом бўйича мутахассислиги бошланғич синф ўқитувчиси бўлсада, унга буйруқ асосида тарбия дарс соати бериб, номутахассис сифатида 2020 йил 1 сентябрдан 2021 йил 1 февралга қадар соатбай асосида 1.900,0 минг сўм иш хақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 228,0 минг сўм ушланиб, қўлга тегиш қисмида 1672,3 минг сўм, 2 нафар педагог ходимларга жами 5.016,9 минг сўм маблағлар мақсадсиз сарфланишига йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, бунда мактаб директори А.Ҳайдаров ва мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ушбу номутахассисларга дарс соати бериб хатога йўл қўйганлигини, лекин ушбу номутахассис ходимлар томонидан дарс соатлари бажарилганлигини, назорат тадбирида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 22 июнда 2687-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 16 майдаги 12/17-сонли қарори ИЛОВА Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш ҚОИДАЛАРИга асосан мактаб ғазнасига 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда банкдан ва бошқа тушумлар ҳисобига кирим қилинган ва ҳаражатга чиқарилган нақд пул маблағларини ҳисобхона томонидан тақдим қилинган касса ҳисоботлари ва тўлов қайдномалари асосида текширилганда қуйидагилар аниқланганлигини, жумладан, 2019 йил сентябрь ойида 1.100,4 минг сўм, октябрь ойида 1.610,0 минг сўм, ноябрь ойида 669,2 минг сўм, декабрь ойида 276,2 минг сўм жами 3.655,8 минг сўм иш хақи ҳаражатлари учун банкдан олинган нақд пул маблағларини ҳаражатга чиқарилганлиги тўғрисида хужжатлари бўлмасда, касса ҳисоботида асоссиз ҳаражатга чиқариб юборилганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатда ХТБ кассири М.Мўминов касса ҳисоботларни нотўғри тузганлигини, шунингдек, 2019 йил сентябрь ойи касса ҳисоботида август ойи иккинчи ярми учун 126-сонли тўлов қайдномаси билан 31.042,6 минг сўм иш хақи ҳаражатга чиқарилганлиги кўрсатилганлигини, ушбу тўлов қайдномасидаги Қамбарова Дилором Мамасидиқовнага ҳисобланган 1.346,5 минг сўм, Усмонова Хуршидахон Абдуқадировнага ҳисобланган 1.288,1 минг сўм жами 2.634,6 минг сўм иш хақларини олганлиги тўғрисида имзо қўйилмаган бўлсада, ғазна ҳисоботида ушбу пул маблағи асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, 2019 йилда банкдан иш хақи учун олинган жами



6.290,4 минг сўм нақд пул маблағлари асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатда ҳисобчи Э.Сотволдиев ва кассир М.Мўминовлар асоссиз ҳаражатга чиқариб хатога йўл қўйганлигини, ўтказилган назорат тадбирида Булоқбоши ХТБга қарашли 13-мактаб ҳисобхонасида жами 67.912,7 минг сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, хусусан, мактабнинг педагог ва ишчи ходимларга меҳнат таътил пуллари ҳисобланиб тўланиши текширилганда юқорида 11-мактабда аниқланган ҳолат яъни МКнинг 232-моддаси, 140-моддаси, ҳамда “Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолинадиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома талабларига амал қилинмасдан умумтаълим мактабида 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бор педагог ходимларнинг 48 кунлик меҳнат таътилига қўшимча уч куни ҳақ тўланадиган таътил қўшиб ҳамда иш ҳақига меҳнат таътилига қўшимча устамаларни ҳисоблашда ўртача иш ҳақини нотўғри ҳисобланиши натижасида 21 нафар ходимларга 2019-2020 йиллардаги таътил даврида жами 11.165,3 минг сўм таътил пуллари ортиқча ҳисобланиб, шундан 1.432,1 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 9.733,3 минг сўм маблағлар тўлганлиги аниқланганлигини, жумладан, 2019 йилда мактабнинг 3 нафар педагог ходимларига 18.109,2 минг сўм таътил пуллари ҳисобланиши керак бўлсада, уларга 18.493,6 минг сўм ҳисобланган ёки ҳисобланганига нисбатан 384,4 таътил пули ортиқча ҳисобланиб шундан, 48,8 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 335,6 минг сўм ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, 2020 йилда 18 нафар ходимларга 81.825,6 минг сўм таътил пуллари ҳисобланиши керак бўлгани ҳолда уларга 92.606,6 минг сўм ҳисобланган ёки ҳисобланганга нисбатан 10.781,0 минг сўм таътил пули ортиқча ҳисобланиб, тўланганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатда ортиқча тўланган 1.316.700 сўм маблағ ҳисобчи Э.Сотволдиев, 8.416.600 сўм ҳисобчи Ф.Ҳакимова даврига тўғри келганлигини, бундан ташқари, мактаб ходимлари номига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш даврида, туман халқ таълими бўлими ва унга қарашли бўлган 13-сонли умумтаълим муассасасининг тегишли буйруқ ва ёзма кўрсатмалар бўйича қайта ҳисобланган ҳисоб-китобларни тўғри ҳисобланиб тўланишида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2014 йил 15 декабрдаги 2634-сон билан рўйхатдан ўтган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг ҳаражатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомни 89-бандида, даромадлар ва ҳаражатлар сметаси бўйича сметада ёки жамланма ҳаражатлар сметаси ва алоҳида ҳаражатлар сметасида тасдиқлангандан ортиқ суммаларда ҳаражат қилиш тақиқланиши белгилаб қўйилган бўлсада, 2019-2020 йилларда мактабнинг 23 нафар ходимларига иш ҳақларни ҳисоблаш даврида,



қайта ҳисоб-китобларни асоссиз ҳисобланиши натижасида 18.559,1 минг сўм маблағлар ортиқча ҳисобланганлигини, шундан 2.412,7 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 16.146,4 минг сўм маблағлар ортиқча тўланишига йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, жумладан, 2019 йил август ойида 19 нафар педагог ва ишчи ходимлар номига тарификация рўйхатларида белгиланган ойлик маошлари бўйича ҳисобланган иш ҳақларига нисбатан 13.837,9 минг сўм ортиқча қайта ҳисоб-китоблар ҳисобланганлигини, шундан 1798,9 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 12.039,0 минг сўм маблағлар ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, шунингдек, 2020 йил май ойида Д.Йўлдошевга штатлар жадвали ва тарификация рўйхатларида белгиланган ойлик маошлари бўйича ҳисобланган иш ҳақларига нисбатан 415,2 минг сўм ортиқча қайта ҳисоб-китоблар ҳисобланиб, шундан 53,9 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 361,2 минг сўм маблағлар ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатда ҳисобчи томонидан юқоридаги ҳодимлар қўшимча иш бажарганлиги тўғрисида буйруқ ёки бирон бир ҳужжат бўлмасада, уларга иш ҳақиға қўшимча “УзАсбо” дастурида қайта ҳисоб-китоб ҳисоблаб тўланишига йўл қўйганлигини, ушбу ортиқча тўланган маблағларнинг 15.785.200 сўми ҳисобчи Э.Сотволдиев, 361.200 сўм ҳисобчи Ф.Ҳакимова даврига тўғри келганлигини, бундан ташқари, 2020 йилда мактабда ишловчи ҳодимларни моддий рағбатлантириш учун берилган мукофот ва моддий ёрдам пуллари, устама ва бошқа иш ҳақларига қўшимча тўловларни тўғри ҳисобланганлигини, тўланиши ўрганилганда, 2020 йил 3 ойида мактабда ишловчи 15 нафар педагог ходимларга жами 22.180,7 минг сўм соатбай дарс соатлари учун қўшимча ҳақлар ҳисобланганлиги аниқланганлигини, ушбу ортиқча тўланган маблағларнинг 14.070.300 сўми ҳисобчи Э.Сотволдиев, 5.226.900 сўм ҳисобчи Ф.Ҳакимова даврига тўғри келганлигини, бундан ташқари, мактаб ғазнасиға 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелға қадар бўлган даврда банкдан ва бошқа тушумлар ҳисобига кирим қилинган ва ҳаражатға чиқарилган нақд пул маблағларини ҳисобхона томонидан тақдим қилинган касса ҳисоботлари ва тўлов қайдномалари асосида текширилганда юқорида 11-мактабда аниқланган ҳолатдагидек ушбу мактабда ҳам қуйидагилар аниқланганлигини, жумладан, касса ҳисоботи бўйича ғазнада 2019 йил 1 июль куни ҳолатиға қолдиқ бўлмагани ҳолда, 2019 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар бўлган даврда банкдан иш ҳақи учун 927.560,1 минг сўм, пенсия тўлови учун 49.856,1 минг сўм жами 977.416,3 минг сўм нақд пул маблағлари олиниб, ғазнаға тўлиқ кирим қилинганлигини, ушбу даврда тўлов қайдномалари асосида иш ҳақи учун 915.430,1 минг сўм, пенсия тўловлари учун 49.856,1 минг сўм жами 965.286,3 минг сўм нақд пул маблағлари ҳаражатға чиқарилган ёки 2019 йил июль ойида банкдан иш ҳақи учун 184.092,3 минг сўм олиниб, иш ҳақи учун 171.962,3 минг сўм ҳаражатға



чиқарилган бўлсада, касса хисоботида нақд пул маблағини ҳаражатга чиқарилганлиги тўғрисида тўлов қайдномалари бўлмасда 12.130,0 минг сўм нақд пул маблағлари асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, шунингдек, 2020 йил 1 январдан 31 декабрга қадар бўлган даврда банкдан иш хақи учун 931.915,0 минг сўм, пенсия тўлови учун 27.446,7 минг сўм, жамоат ишчиларини иш хақи учун 1.459,6 минг сўм жами 960.821,4 минг сўм нақд пул маблағлари олиниб, ғазнага тўлиқ кирим қилинганлигини, ушбу даврда тўлов қайдномалари асосида иш хақи учун 922.463,2 минг сўм, пенсия тўловлари учун 27.446,7 минг сўм, жамоат ишчиларини иш хақи учун 1.459,6 минг сўм жами 951.369,6 минг сўм нақд пул маблағлари ҳаражатга чиқарилган ёки 2020 йил июль ойида банкдан иш хақи учун 237.287,7 минг сўм олиниб, иш хақи учун 224.835,9 минг сўм ҳаражатга чиқарилган бўлсада, касса хисоботида нақд пул маблағини ҳаражатга чиқарилганлиги тўғрисида тўлов қайдномалари бўлмасда 10.251,9 минг сўм нақд пул маблағлари асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, шунингдек, 2021 йил 1 январдан 1 апрелга қадар бўлган даврда банкдан иш хақи учун 20.949,0 минг сўм нақд пул маблағлари олиниб, ғазнага тўлиқ кирим қилинганлигини, ушбу даврда тўлов қайдномалари асосида иш хақи учун 20.949,0 минг сўм ҳаражатга чиқарилганлигини, хулоса қилинганда, 2019 йил 1 та холатда 12.130,0 минг сўм, 2020 йилда 1 та холатда 10.251,9 минг сўм жами 22.381,9 минг сўм нақд пул маблағларини ҳаражатга чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмасда асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, ушбу маблағлар асоссиз ҳаражатга чиқарилишида биринчи навбатда жамоатчи ғазначи ушбу маблағларни тўғри ҳисоб-китобини юритмаган ва ушбу маблағлар тарқатилиши тўлов ведомостида кўрсатилмаган бўлсада, ушбу маблағни банкга қайтариб топшириш чорасини кўрмаганлигини ва ўзининг хар ойлик юритадиган нақд пул маблағларини ғазна хисоботига тарқатилгани ёки ҳаражатга чиқарилгани ҳақида сохта ёзув киритиб, ушбу маблағни кейинги ойга қолдиқ қилиб ўтказмаганлигини, ушбу ҳолатни мактабга бириктирилган ҳисобчи назорат қилмасдан, ушбу маблағларни ўзлаштриб юборганлигини, назорат тадбири ўз ичига олган даврда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154 сонли “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бўйича дебитор ёки кредитор қарздорликлардан Водийгазтаъминот УК Булоқбоши туман филиалига ўтказилган маблағларга 353,9 минг сўмлик тўлов муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжудлиги аниқланганлигини, шунингдек, 14-сонли мактабда ўтказилган назорат тадбирида жами 138.574,3 минг сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганлигини,



хусусан, мактабнинг педагог ва ишчи ходимларига 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврларда мактабда педагог ва ишчи хизматчи ходимлар томонидан иш вақтини ҳисобга олиш табеллари бўйича иш вақтидаги иш хажмларини бажарилиши ва уларга ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисобланиб тўланиши ўрганилганда, мактабнинг тегишли буйруқлари асосида турли даврларда эгаллаб турган лавозимларидан озод этилган 5 нафар шахсларга ҳисобланган қайта ҳисоб-китоблар (перерасчётлар) ҳисобига жами 20.550,3 минг сўм ҳисобланиб, шундан 2.671,5 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 17.878,7 минг сўм шундан, пластик карта шаклида 9.262,4 минг сўм ва нақд пул шаклида 8.616,3 минг сўм маблағлар асосиз тўланганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, мактабнинг педагог ва ишчи ходимларга меҳнат таътили пуллари ҳисобланиб, тўланишида, юқоридаги мактабларда аниқланган ҳолатдагидек 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бор педагог ходимларнинг 48 кунлик меҳнат таътилига қўшимча уч кун ҳақ тўланадиган таътил қўшиб ҳамда иш ҳақига меҳнат таътилига қўшимча устамаларни ҳисоблашда ўртача иш ҳақини нотўғри ҳисобланиши натижасида 14 нафар ходимларга 2019-2020 йиллардаги ёзги таътил даврида жами 5.556,7 минг сўм таътил пуллари ортиқча ҳисобланиб, ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, 2020 йилда 12 нафар ходимларга 58.249,6 минг сўм таътил пуллари ҳисобланиши керак бўлгани ҳолда уларга 63.762,6 минг сўм ҳисобланган ёки ҳисобланганга нисбатан 5.513,0 минг сўм таътил пули ортиқча ҳисобланиб, тўланганлиги аниқланганлигини, бироқ, ушбу аниқланган маблағларни ҳақиқатдан ҳам ушбу ходимлар ўзлари олишганлигини, бундан ташқари, мактабнинг ўриндошлик асосида ишловчи фан ўқитувчиларига тарификация рўйхати бўйича бажарилган соатбай иш хажмларига ҳисобланган иш ҳақларни тўғри ҳисобланиб, тўланишида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2017 йил 22 апрелда 3157-сон билан рўйхатга олинган 2019 йил 10 апрелда Молия вазирлиги билан келишилган, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 3-2019, Халқ таълими вазирлигининг 19-ҚҚ-сонли ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 15-2019-ҚҚ-сонли қўшма қарорининг иловаси билан тасдиқланган “Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш” Миқдорларига амал қилмасдан 2020 йилда 2 нафар педагог ходимларга тарификация рўйхатларида белгиланганига нисбатан иш вақтини ҳисобга олиш табелларида кўрсатилмасдан жами 1.199,3 минг сўм ортиқча ҳисобланиб, тўлаб юборилганлиги аниқланганлигини, назорат тадбири даврида, мактаб ходимлари номига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш даврида, туман халқ таълими бўлими ва унга қарашли бўлган 14-сонли умумтаълим муассасасининг тегишли буйруқ ва ёзма кўрсатмалари бўлмасада 2019 йилда мактабнинг 13 нафар



ходимларига иш ҳақларни ҳисоблаш даврида, қайта ҳисоб-китобларни асоссиз ҳисобланиши натижасида 19.669,9 минг сўм маблағлар ортиқча ҳисобланиб, шундан 2.557,1 минг сўм ушланмалар ушланган холда 17.112,8 минг сўм маблағлар ортиқча тўланишига йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, жумладан, 2019 йил август ойида 6 нафар педагог ходимлар номига тарификация рўйхатларида белгиланган ойлик маошлари бўйича ҳисобланган иш ҳақларига нисбатан 1.906,5 минг сўм ортиқча қайта ҳисоб-китоблар ҳисобланиб, тўланганлиги аниқланганлигини, шунингдек, 2019 йил октябрь ойида мактабнинг хўжалик мудури М.Исмоиловага штатлар жадвалида белгиланган ойлик маошлари бўйича ҳисобланган иш ҳақларига нисбатан 4.090,3 минг сўм ортиқча қайта ҳисоб-китоблар ҳисобланиб, шундан 531,7 минг сўм ушланмалар ушланган холда 3.558,6 минг сўм маблағлар ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, 2019 йил ноябрь ойида 6 нафар педагог ходимлар номига штатлар жадвали ва тарификация рўйхатларида белгиланган ойлик маошлари бўйича ҳисобланган иш ҳақларига нисбатан 13.673,1 минг сўм ортиқча қайта ҳисоб-китоблар ҳисобланиб, ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатда ҳам мактаб ҳисобчиси томонидан ушбу ходимларга “Узасбо” дастури орқали қайта ҳисоб китоб ёзилиб, ушбу маблағлар чиқарилганлигини, бундан ташқари, 2020 йилда мактабда ишловчи ходимларни моддий рағбатлантириш учун берилган мукофот ва моддий ёрдам пуллари, устама ва бошқа иш ҳақларига қўшимча тўловларни тўғри ҳисобланиб, тўланиши ўрганилганда, 2020 йил 3 ойида мактабда ишловчи 9 нафар педагог ходимларга жами 5.717,1 минг сўм устама пуллари ҳисобланиб, ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, шунингдек, 2020 йил 2 ойида мактабда ишловчи 9 нафар педагог ходимларга жами 9.875,2 минг сўм соатбай дарс соатлари учун қўшимча ҳақлар ҳисобланиб, маблағлар тўланганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатда ҳам ҳисобчи Э.Сотволдиев “Узасбо” дастурига мактаб томонидан тақдим этилган табелларда кўрсатилмаган дарс соатларини қўшиб киритиб, ортиқча тўлашга йўл қўйганлигини, шунингдек, 14-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2020-2021 ўқув йили учун тузилган тарификация жадвалига Н.Мамасодиқовани диплом бўйича мутахассислиги психолог бўлсада, тарификация жадвали бўйича соатбай асосида меҳнат дарс соатлари берилиб, унга номутахассис сифатида 2020 йил сентябрь-декабрь ойларида 3.261,0 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 391,3 минг сўм ушланиб, қўлга тегиш қисмида 2.869,7 минг сўм ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, шунингдек, З.Исаевани диплом бўйича мутахассислиги тарих фани ўқитувчиси бўлсада, унга номутахассис сифатида ҳуқуқ фанидан дарс соатлари берилиб, 2020 йил сентябрь-декабрь ойларида 196,4 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 23,5 минг сўм ушланиб, қўлга тегиш қисмида 172,8 минг



сўм, Ш.Арзибоевни диплом бўйича мутахассислиги тарих фани ўқитувчиси бўлсада, унга номутахассис сифатида ҳуқуқ фанидан дарс соатлари берилиб, 2020 йил сентябр-декабрь ойларида 294,6 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 35,3 минг сўм ушланиб, қўлга тегиш қисмида 259,2 минг сўм, 3 нафар педагог ходимларга жами 3.301,8 минг сўм маблағлар мақсадсиз сарфланишига йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, мактаб ғазнасига 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда банкдан ва бошқа тушумлар ҳисобига кирим қилинган ва ҳаражатга чиқарилган нақд пул маблағларини ҳисобхона томонидан тақдим қилинган касса ҳисоботлари ва тўлов қайдномалари асосида текширилганда қуйидагилар аниқланганлигини, жумладан, касса ҳисоботи бўйича ғазнада 2019 йил 1 июль куни ҳолатига қолдиқ бўлмагани ҳолда, 2019 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар бўлган даврда банкдан хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, жамоатчи ғазначи Исмоилова Мавлюда Равилевна номига ёзилган чеклар асосида иш ҳақи учун 416.387,5 минг сўм, пенсия тўлови учун 23.673,4 минг сўм жами 440.060,9 минг сўм нақд пул маблағлари олиниб, ғазнага тўлиқ кирим қилинганлигини, ушбу даврда тўлов қайдномалари асосида иш ҳақи учун 383.900,3 минг сўм, пенсия тўловлари учун 24.361,3 минг сўм жами 408.261,7 минг сўм нақд пул маблағлари ҳаражатга чиқарилган ёки 2019 йил июль ойида банкдан иш ҳақи учун 63.803,1 минг сўм олиниб, иш ҳақи учун 59.438,9 минг сўм ҳаражатга чиқарилган бўлсада, касса ҳисоботида нақд пул маблағини ҳаражатга чиқарилганлиги тўғрисида тўлов қайдномалари бўлмасада 4.364,1 минг сўм, август ойида 5.942,3 минг сўм, сентябрь ойида 7.338,1 минг сўм, октябрь ойида 4.683,0 минг сўм, ноябрь ойида 3.899,1 минг сўм, декабрь ойида 6.260,2 минг сўм 2019 йилда жами 32.486,9 минг сўм нақд пул маблағлари асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, шунингдек, 2020 йил 1 январдан 31 декабрга қадар бўлган даврда банкдан хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, жамоатчи ғазначи Исмоилова Мавлюда Равилевна номига ёзилган чеклар асосида иш ҳақи учун 931.915,0 минг сўм, пенсия тўлови учун 27.446,7 минг сўм, жамоат ишчиларини иш ҳақи учун 1.459,6 минг сўм жами 960.821,4 минг сўм нақд пул маблағлари олиниб, ғазнага тўлиқ кирим қилинганлигини, ушбу даврда тўлов қайдномалари асосида иш ҳақи учун 922.463,2 минг сўм, пенсия тўловлари учун 27.446,7 минг сўм, жамоат ишчиларини иш ҳақи учун 1.459,6 минг сўм жами 951.369,6 минг сўм нақд пул маблағлари ҳаражатга чиқарилган ёки 2020 йил январь ойида банкдан иш ҳақи учун 85.401,7 минг сўм олиниб, иш ҳақи учун 83.956,7 минг сўм ҳаражатга чиқарилган бўлсада, касса ҳисоботида нақд пул маблағини ҳаражатга чиқарилганлиги тўғрисида тўлов қайдномалари бўлмасада 1.445,0 минг сўм, феврал ойида 5.655,9 минг сўм, март ойида 11.666,6 минг сўм, апрел ойида 18.253,2 минг сўм, июнь ойида



11.027,0 минг сўм 2020 йилда жами 48.047,7 минг сўм нақд пул маблағлари асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, шунингдек, 2021 йил 1 январдан 1 апрелга қадар бўлган даврда банкдан хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, жамоатчи ғазначи Исмоилова Мавлюда Равилевна номига ёзилган чеклар асосида иш ҳақи учун 20.949,0 минг сўм нақд пул маблағлари олиниб, ғазнага тўлиқ кириш қилинганлигини, ушбу даврда тўлов қайдномалари асосида иш ҳақи учун 20.949,0 минг сўм ҳаражатга чиқарилганлигини, хулоса қилинганда, 2019 йил 6 та ҳолатда 32.486,9 минг сўм, 2020 йилда 5 та ҳолатда 48.047,7 минг сўм жами 80.534,7 минг сўм нақд пул маблағларини ҳаражатга чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмасада, асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, назорат тадбири ўз ичига олган даврда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154 сонли “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бўйича дебитор ёки кредитор қарздорликлардан Водийгазтаъминот УК Булоқбоши туман филиалига ўтказилган маблағларга 286,6 минг сўмлик тўлов муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжудлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, 265-сонли мактабда ўтказилган назорат тадбирида жами 131.362,1 минг сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, хусусан, мактабнинг педагог ва ишчи ходимларига 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврларда мактабда педагог ва ишчи хизматчи ходимлар томонидан иш вақтини ҳисобга олиш табеллари бўйича иш вақтидаги иш ҳажмларини бажарилиши ва уларга ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисобланиб тўланиши ўрганилганда, мактабнинг тегишли буйруқлари асосида турли эгаллаб турган лавозимларидан озод этилган 2 нафар шахсларга жами 9.330,6 минг сўм иш ҳақи ва таътил пуллари ҳисобланиш натижасида 1.213,0 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 8.117,6 минг сўм маблағлар пластик карта шаклида асоссиз тўланганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатда мактаб ҳисобчиси томонидан табелда кўрсатилмаган ходимларга “Узасбо” дастурига уларни исм шарифини қўшиш орқали пул маблағлар ҳисобланганлигини, жумладан, мактабнинг юқори синф ўқитувчиси Абдурасулова Ёркиной Шаробиддиновна 2018 йил 5 сентябрдаги 36-к-сонли буйруқ билан эгаллаб турган лавозимидан озод этилган бўлсада, унга 2020 йил май ойида 6.115,9 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобланиб, шундан 795,1 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда жами 5.320,8 минг сўм маблағлар пластик карта шаклида асоссиз тўланганлиги аниқланганлигини, мактабнинг юқори синф ўқитувчиси Қодиров Нурбек Ойбек ўғли 2020 йил 19 ноябрдаги 50-сонли буйруқ билан эгаллаб турган лавозимидан озод



этилган бўлсада, унга 2020 йил ноябрь, декабрь ва 2021 йил январь ойларида ҳисобланган қайта ҳисоб-китоблар (перерасчётлар) ҳисобига 3 214,7 минг сўм ҳисобланиб, шундан 417,9 минг сўм ушланмалар ушланиб, 2.796,8 минг сўм шундан 2020 йил ноябрь ойида 744,0 минг сўм, 2020 йил декабрь ойида 1.271,7 минг сўм ва 2021 йил январь ойида 781,1 минг сўм маблағлар пластик карта шаклида асосиз тўланганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, умумтаълим мактабида 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бор педагог ходимларнинг 48 кунлик меҳнат таътилига қўшимча уч кун ҳақ тўланадиган таътил қўшиб ҳамда иш ҳақиға меҳнат таътилига қўшимча устамаларни ҳисоблашда ўртача иш ҳақини нотўғри ҳисобланиши натижасида 2019 йил июль ойида 4 нафар ходимларга ҳисобланиши керак бўлган таътил (48 кунлик) кунларига нисбатан 13.684,9 минг сўм ҳисобланиши керак бўлсада, ҳақиқатда 16.140,9 минг сўм ҳисобланганлиги ёки ҳисобланганга нисбатан 2.456,0 минг сўм ортиқча ҳисобланиб, шундан, 311,9 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 2.144,1 минг сўм, шундан, Ў.Исақовага 1.925,8 минг сўм, М.Йўлбаровага 166,1 минг сўм, Т.Каримовага 18,2 минг сўм ва Н.Тумановага 33,9 минг сўм маблағлар ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, 2020 йил феврал ва июнь ойларида 17 нафар ходимларга ҳисобланиши керак бўлган таътил (48 кунлик) кунларига нисбатан 84.732,4 минг сўм ҳисобланиши керак бўлсада, ҳақиқатда 91.555,0 минг сўм ҳисобланганлиги ёки ҳисобланганга нисбатан 6.822,6 минг сўм ортиқча ҳисобланиб, шундан, 866,5 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 5.956,1 минг сўм ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, мактабда, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 29 октябрь кунги 266-сонли “Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2019-2020 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа ва такомиллаштирилган ўқув дастурларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғининг 1-илова билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2019-2020 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа” асосида 2019-2020 ўқув йилига тақсимланган ҳафталик дарс соатлари бўйича юқори синфлар бўйича 34 (33 ҳафталик) ҳафталик ўқув режадаги дарс соатлари ва педагогик юктамаларни бажарилиши таҳлил қилинганда, қуйидагилар аниқланганлигини, жумладан, 2019-2020 ўқув йилида мактабнинг педагог ходимларига ажратилган дарс соатлари ва педагогик юктамаларни бажарилишида 27 нафар педагог ходимлар томонидан синф журналларида қайд этилмаган 117 соат дарс соати ва унга нисбатан 98 соат педагогик соатлар жами 215 соат ўқув соатлари ва юктамалари бажарилмаганлиги ҳисобига 6.177,2 минг сўм ортиқча ҳисобланиб, шундан, 803,0 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 5.374,2 минг сўм маблағлар ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, назорат тадбири даврида, мактаб ходимлари номига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш даврида, туман халқ таълими



бўлими ва унга қарашли бўлган 26-сонли умумтаълим мактабининг тегишли буйруқ ва ёзма кўрсатмалар бўйича қайта ҳисобланган ҳисоб-китобларни тўғри ҳисобланиб, тўланишида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2014 йил 15 декабрдаги 2634-сон билан рўйхатдан ўтган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг ҳаражатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомни 89-бандида, даромадлар ва ҳаражатлар сметаси бўйича сметада ёки жамланма ҳаражатлар сметаси ва алоҳида ҳаражатлар сметасида тасдиқлангандан ортиқ суммаларда ҳаражат қилиш тақиқланиши белгилаб қўйилган бўлсада, 2019 йилда мактабнинг 20 нафар ходимларига иш ҳақларни ҳисоблаш даврида, қайта ҳисоб-китобларни асоссиз ҳисобланиши натижасида 5.944,0 минг сўм маблағлар ортиқча ҳисобланиб, шундан 772,7 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 5.171,3 минг сўм маблағлар ортиқча тўланишига йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, Андижон вилоят Давлат молиявий назорати бошқармасининг бош назоратчи-тафтишчиси Ш.Мамасолиев томонидан аввалги ўтказилган назорат тадбирида, Андижон вилоят халқ таълими бошқармасининг буйруғи асосида бириктирилган Т.Умматалиев ва Д.Хасановалар томонидан бўлим ва унга қарашли умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган таълим муассасаларида ишловчи педагог ходимлар томонидан диплом бўйича мутахассисликлари, малака сертификатлари, дарс соатларини тақсимланиши ҳамда тарификация қилиниши ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида соҳадаги амалга оширилган ишларнинг бажарилиши юзасидан текширилганда, 26-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2020-2021 ўқув йили учун тузилган педагог ходимларнинг тарификация рўйхатида, 6 нафар номуахассис педагог ходимларга ўқув йили бўйича дарс соатларини берилиши ҳисобига 2020 йил 1 сентябрь кунидан 2021 йил 1 январь кунига қадар даврда 10.900,4 минг сўм ҳисобланиб, шундан 1.308,0 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 9.592,4 минг сўм маблағлар мақсадсиз сарфланишига йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, назорат тадбири даврида, 2020 йилда мактабда ишловчи ходимларни моддий рағбатлантириш учун берилган мукофот ва моддий ёрдам пуллари, устама ва бошқа иш ҳақларига қўшимча тўловларни тўғри ҳисобланиб, тўланиши ўрганилганда, 2020 йил 2 ойида мактабда ишловчи 8 нафар педагог ходимларга жами 8.966,6 минг сўм қўшимча устама пуллари ҳисобланиб, шундан, 1.165,6 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 7.800,9 минг сўм маблағлар тўланганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари ушбу мактабда ғазна ҳисоботи бўйича ғазнада 2019 йил 1 июль куни ҳолатига қолдиқ бўлмагани ҳолда, 2019 йил 1 июль кунидан 2020 йил 1 январь кунига қадар бўлган даврда банкдан хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, жамоатчи ғазначи Юлдашев Қобилжон Қаххорович номига



ёзилган чеклар асосида иш хақи ҳаражатларига 614.948,9 минг сўм, ижтимоий нафақа ва пенсия тўловига 34.110,3 минг сўм ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақасига 10.702,8 минг сўм жами 659.761,9 минг сўм миқдорида нақд пул маблағлари олиниб, ғазнага тўлиқ кирим қилинганлигини, ушбу даврда тўлов қайдномалари асосида иш хақи ҳаражатларига 579.868,8 минг сўм, ижтимоий нафақа ва пенсия тўловига 34.110,3 минг сўм ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақасига 10.702,8 минг сўм жами 624.681,9 минг сўм нақд пул маблағлари ҳаражатга чиқарилганлиги ёки 2019 йил 1 июль кунидан 2020 йил 1 январь кунига қадар бўлган даврда банкдан иш хақи ҳаражатлари учун киримга олинган 614.948,9 минг сўм нақд пул маблағлари ҳаражатга чиқарилган бўлсада, ғазна ҳисоботида нақд пул маблағини ҳаражатга чиқарилганлиги тўғрисида тўлов қайдномалари бўлмагани холда, 2019 йил июль ойида 11.190,1 минг сўм, август ойида 3.000,0 минг сўм, сентябрь ойида 2.266,4 минг сўм, октябрь ойида 6.905,3 минг сўм, ноябрь ойида 1.463,1 минг сўм, декабрь ойида 10.255,2 минг сўм жами 35.080,1 минг сўм миқдоридаги нақд пул маблағлари асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, шунингдек, 2020 йил 1 январь кунидан 2021 йил 1 январь кунига қадар бўлган даврда банкдан хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, жамоатчи ғазначи Юлдашев Қобилжон Қаххорович номига ёзилган чеклар асосида иш хақи ҳаражатларига 543.550,4 минг сўм, ижтимоий нафақа ва пенсия тўловига 37.765,6 минг сўм ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақасига 20.923,0 минг сўм жами 602.239,0 минг сўм миқдорида нақд пул маблағлари олиниб, ғазнага тўлиқ кирим қилинганлигини, ушбу даврда тўлов қайдномалари асосида иш хақи ҳаражатларига 491.424,9 минг сўм, ижтимоий нафақа ва пенсия тўловига 37.765,6 минг сўм ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақасига 20.923,0 минг сўм жами 550.113,6 минг сўм миқдорида нақд пул маблағлари ҳаражатга чиқарилганлиги ёки 2020 йил 1 январь кунидан 2021 йил 1 январь кунига қадар бўлган даврда банкдан иш хақи ҳаражатлари учун киримга олинган 602.239,0 минг сўм нақд пул маблағлари ҳаражатга чиқарилган бўлсада, ғазна ҳисоботида нақд пул маблағини ҳаражатга чиқарилганлиги тўғрисида тўлов қайдномалари бўлмагани холда, 2020 йил феврал ойида 2.640,4 минг сўм, март ойида 30.323,9 минг сўм ва апрел ойида 19.161,2 минг сўм жами 52.125,5 минг сўм миқдоридаги нақд пул маблағлари асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, шунингдек, 2021 йил 1 январь кунидан 2021 йил 1 апрел кунига қадар бўлган даврда банкдан хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, жамоатчи ғазначи Юлдашев Қобилжон Қаххорович номига ёзилган чеклар асосида иш хақи ҳаражатларига 13.107,0 минг сўм миқдорида нақд пул маблағлари



олиниб, ғазнага тўлиқ кирим қилинганлигини, ушбу даврда тўлов қайдномалари асосида иш ҳақи ҳаражатларига 13.107,0 минг сўм миқдоридаги нақд пул маблағлари ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолатда банкдан иш ҳақи ҳаражатлари учун олинган жами 87.205,5 минг сўм миқдоридаги нақд пул маблағлари асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, шунингдек, 6-сонли мактабда ўтказилган назорат тадбирида жами 50.565,6 минг сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, хусусан, мактабнинг педагог ва ишчи ходимларига 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврларда мактабда педагог ва ишчи хизматчи ходимлар томонидан иш вақтини ҳисобга олиш табеллари бўйича иш вақтидаги иш ҳажмларини бажарилиши ва уларга ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисобланиб тўланиши ўрганилганда қуйидагилар аниқланганлигини, фаррош вазифасида ишлаган Жалолова Одинахон Обидовна мактабнинг 2019 йил 4 сентябрдаги буйруғига асосан ишдан озод қилинган бўлиб, иш куни ҳисоблаш табелида бўлмасада, унга 2019 йил сентябрь, октябрь, ноябрь ойларига 634,9 минг сўмдан жами 1904,6 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 247,6 минг сўм ушланиб, қўлга тегиш қисми нақд пулда 1657,0 минг сўм иш ҳақлари асоссиз тўланганлиги аниқланганлигини, шунингдек, Мактабда юқори синф ўқитувчиси вазифасида ишлаган Ахмедова Ирода Анваржоновна мактабнинг 2019 йил 4 сентябрдаги буйруғига асосан ишдан озод қилинган бўлиб, иш куни ҳисоблаш табелида бўлмасада, унга 2019 йил сентябрь ойида 24 кун тўлиқ иш куни учун 1170,6 минг сўм иш ҳақи асоссиз ҳисобланиб, 152,2 минг сўм мажбурий ушланмалар ушланиб, қўлга тегиш қисми нақд пулда 1018,4 минг сўм иш ҳақи асоссиз тўланганлиги, мактабда юқори синф ўқитувчиси вазифасида ишлаган Мирзаева Алохон Улуғбек қизи мактабнинг 2021 йил 1 февралдаги 13 К-сонли буйруғига асосан ишдан озод қилинган бўлиб, иш куни ҳисоблаш табелида бўлмасада, унга 2021 йил февраль ойида 24 кун тўлиқ иш куни учун 240,6 минг сўм иш ҳақи асоссиз ҳисобланиб, 31,3 минг сўм мажбурий ушланмалар ушланиб, қўлга тегиш қисми нақд пулда 209,3 минг сўм иш ҳақи асоссиз тўланганлиги, 3 нафар ишчи ходимларга жами 2884,7 минг сўм иш ҳақлари асоссиз ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 29 октябрь кунги 266-сонли “Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2019-2020 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа ва такомиллаштирилган ўқув дастурларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғининг 1-илова билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2019-2020 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа” асосида 2019-2020 ўқув йилига тақсимланган ҳафталик дарс соатлари бўйича юқори синфлар бўйича 34 (33 ҳафталик) ҳафталик ўқув режадаги дарс соатлари ва педагогик юктамаларни бажарилиши тахлил



қилинганда, 2020-2021 ўқув йилида мактабнинг педагог ходимларига ажратилган дарс соатлари ва педагогик юктамаларни бажарилишида 33 нафар педагог ходимлар томонидан синф журналларида қайд этилмаган 45 соат дарс соати ва унга нисбатан 32 соат педагогик соатлар жами 77 соат ўқув соатлари ва юктамалари бажарилмаганлиги ҳисобига 2.597,8 минг сўм ортиқча ҳисобланиб, шундан, 233,8 минг сўм ушланмалар ушланган ҳолда 2.364,0 минг сўм маблағлар ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2020 йил 28 октябрдаги 89-Х-сонли буйруғига асосан Халқ таълими вазирлиги Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси Фарғона вилояти бўйича ҳудудий хизмат бошлиғи З.Бойматов, Тошкент вилояти бўйича ҳудудий хизмат аудитори Ф.Эргашев ҳамда Андижон вилояти бўйича ҳудудий хизмат аудитори Ғ.Нуриддиновлар томонидан Булоқбоши туман Халқ таълими бўлими тассаруфидаги таълим муассасаларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга оширишда аниқланган шубҳали ҳолатларга аниқлик киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2010 йил 22 декабрда 2169-рақам билан рўйхатга олинган “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқномага асосан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўғри ҳисобланиши ўрганилганда, белгиланган иш ҳақига нисбатан ортиқча ҳисобланиши натижасида 6 нафар педагог ходимларга 2.619,5 минг сўм иш ҳақи ортиқча ҳисобланиб, мажбурий ушланмалардан ташқари 2.278,9 минг сўм ортиқча тўланганлиги аниқланганлигини, якуний назорат тадбирида ушбу ҳолат қайта ўрганилганда, 2 нафар педагог ходимларга 640,2 минг сўм иш ҳақлари ортиқча ҳисобланиб, ортиқча ҳисобланган иш ҳақлари ушбу ходимлардан тегишли тартибда ушланган бўлсада, аввалги назорат тадбирида ушбу маблағ ортиқча ҳисобланиб тўланган деб нотўғри ёзилганлиги аниқланганлигини, қолган 4 нафар педагог ходимларга жами 1721,9 минг сўм иш ҳақлари ортиқча ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сонли Қарори талабларида белгиланган моддий рағбатлантириш ва моддий ёрдам пуллари директор жамғармаси ҳисобидан берилиши керак бўлсада, бошланғич синф ўқитувчиси Ш.Қурбоновага 2020 йил феврал ойида директор жамғармаси комиссиясини йиғилиш баёни бўлгани ва буйруқ чиқарилган ҳолда директор жамғармаси ҳисобидан эмас, иш ҳақи ҳисобидан 3638,6 минг сўм моддий рағбатлантириш ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, шунингдек, жами 8746,6 минг сўм моддий ёрдам пуллари директор жамғармаси ҳисобидан эмас, иш ҳақи фонди ҳисобидан ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, умумтаълим мактабида 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бор педагог ходимларнинг 48 кунлик меҳнат таътилига қўшимча уч



куни ҳақ тўланадиган таътил қўшиб ҳамда иш ҳақиға меҳнат таътилиға қўшимча устамаларни ҳисоблашда ўртача иш ҳақини нотўғри ҳисобланиши натижасида жами 1165,9 минг сўм меҳнат таътили пуллари ортиқча ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, иш ҳақиға меҳнат таътилиға қўшимча устамаларни ҳисоблашда ўртача иш ҳақини нотўғри ҳисобланиши натижасида 2020 йил март ойида жами 3801,3 минг сўм меҳнат таътили пуллари ортиқча ҳисобланиб тўланганлиги аниқланганлигини, мактабнинг 2020 йил июнь ойи касса ҳисоботида 2020 йил 18 июнь куни иш юритувчи ва жамоатчи ғазначи Солиева Бусорахон Абдусаломовна номиға ёзилган AGB 7609770-сонли чек билан Агробанк Булоқбоши филиалидан иш ҳақи учун олинган 15.540,0 минг сўм нақд пул маблағлари педагог ходимларға иш ҳақи ҳисобланмасдан, уларға нақд пул маблағлари берилмаган бўлсада, 2020 йил июнь ойи биринчи ярми аванси учун 98-сонли тўлов қайдномаси билан ҳаражатға чиқарилганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолат юзасидан 2020 йил июнь ойи биринчи ярми аванси учун тузилган 98-сонли тўлов қайдномасида номлари кўрсатилган 24 нафар педагог ва ишчи ходимлардан 18 нафар педагог ва ишчи ходимлар назорат тадбириға жалб қилиниб, улардан 2020 йил июнь ойи биринчи ярми аванси учун тузилган 98-сонли тўлов қайдномасидаги имзолар ўзларига тегишлилиги ва нақд пул маблағларини олганликлари тўғрисида тушинтириш сўралганда, улар ўзларининг ёзма берган тушинтириш хатларида 2020 йил июнь ойи биринчи ярми аванси учун тузилган 98-сонли тўлов қайдномасида кўрсатилган нақд пул маблағларини олманганликларини ва тўлов қайдномасидаги имзолар ҳам уларға тегишли эмаслигини баён қилишганлигини, шунга кўра, 2020 йил июнь касса ҳисоботидаги 98-сонли тўлов қайдномаси билан июнь ойи биринчи ярми аванси учун ҳаражатға чиқарилган 15.540,0 минг сўм нақд пул маблағи асоссиз ҳаражатға чиқарилган деб топилганлигини, ушбу ҳолат ўрганилган ушбу пул маблағини олиш учун Э.Сотволдиев электрон сўровнома юбориб, ушбу маблағларни банкдан ўзи олиб олгани аниқланганлигини, бундан ташқари, 17-сонли мактабда ўтказилган назорат тадбирида жами 18.194,9 минг сўмлик молиявий хато ва камчиликларға йўл қўйилганлиги аниқланганлигини, мактабда 2020 йил июнь ойи касса ҳисоботида 2020 йил 19 июнь куни хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари ва жамоатчи ғазначи Артиқов Анвар Темирович номиға ёзилган AGB 7353493-сонли чек билан “Агробанк” Булоқбоши филиалидан иш ҳақи учун олинган 9.100,0 минг сўм нақд пул маблағини, касса ҳисоботида ҳаражатға чиқарилганлиги тўғрисида тўлов қайдномалари бўлмасида асоссиз ҳаражатға чиқарилганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолат ўрганилган ушбу пул маблағини олиш учун Э.Сотволдиев электрон сўровнома юбориб, ушбу маблағларни банкдан ўзи олиб олгани аниқланганлигини бфён қилиб кўрсатув берган.



Гувоҳ Ф.Мўминов дастлабки терговда, гувоҳ Ж.Ўринбоевнинг кўрсатувларига ўхшаш кўрсатув берган.

Гувоҳ Х.Қодирова дастлабки терговда, ҳақиқатан ҳам у, 1992 йилдан буён Булоқбоши тумани ХТБ тасарруфидаги 13-мактабда хозирда эгаллаб турган хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида 2002 йилдан буён ишлаб келаётганлигини, унга қўшимча жамоатчи ғазначи вазифаси 2018 йил январь ойида юклатилган, унинг директорининг хўжалик ишлари бўйича ўрибосари лавозимида вазифаларига умумтаълим мактабидаги барча асосий воситалар ва товар моддий бойликларини бут холда сақлаш, белгиланган тартибда ҳаражатга чиқариш, умумтаълим мактабидаги тех ходимларнинг иш хажмларини бажарилишлари ҳисобига иш вақтини ҳисобга олиш табелларини ойма-ой тузиб, тасдиқлаб бориш ва бошқа шу кабилар киришини, бундан ташқари унга қўшимча юклатилган жамоатчи ғазначи вазифасида вазифаларимга банк муассасига бориб ходимлар учун ажратилган нақд пул маблағларини олиб, мактаб ходимларига тўлов қайдномаси орқали тарқатиб сўнг касса ҳисоботини тузиб мактабга бириктирилган ҳисобчига бериш ва бошқа шу кабилар кирганлигини, ҳақиқатда ҳам 13-мактабда ўтказилган назорат тадбирида мактаб ғазнасига 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда банкдан ва бошқа тушумлар ҳисобига кирим қилинган ва ҳаражатга чиқарилган нақд пул маблағларини ҳисобхона томонидан тақдим қилинган касса ҳисоботлари ва тўлов қайдномалари асосида текширилганда 22.391.700 сўм камомад аниқланганлигини, жумладан, Касса ҳисоботи бўйича ғазнада 2019 йил 1 июль куни ҳолатига қолдиқ бўлмагани холда, 2019 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар бўлган даврда банкдан иш ҳақи учун 927.560,1 минг сўм, пенсия тўлови учун 49.856,1 минг сўм жами 977.416,3 минг сўм нақд пул маблағлари олиниб, ғазнага тўлиқ кирим қилинганлигини, ушбу даврда тўлов қайдномалари асосида иш ҳақи учун 915.430,1 минг сўм, пенсия тўловлари учун 49.856,1 минг сўм жами 965.286,3 минг сўм нақд пул маблағлари ҳаражатга чиқарилган ёки 2019 йил июль ойида банкдан иш ҳақи учун 184.092,3 минг сўм олиниб, иш ҳақи учун 171.962,3 минг сўм ҳаражатга чиқарилган бўлсада, касса ҳисоботида нақд пул маблағини ҳаражатга чиқарилганлиги тўғрисида тўлов қайдномалари бўлмасада 12.130,0 минг сўм нақд пул маблағлари асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, шунингдек, 2020 йил март ойида банкдан иш ҳақи учун 243.210,4 минг сўм олиниб, иш ҳақи учун 232.958,5 минг сўм ҳаражатга чиқарилган бўлсада, касса ҳисоботида нақд пул маблағини ҳаражатга чиқарилганлиги тўғрисида тўлов қайдномалари бўлмасада 10.251,9 минг сўм нақд пул маблағлари асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, 2019 йил 1 та ҳолатда 12.130,0 минг сўм, 2020 йилда 1 та ҳолатда 10.251,9 минг сўм жами 22.381,9 минг сўм нақд пул маблағларини ҳаражатга чиқарилганлигини



тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмасада асоссиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқланганлигини, ҳақиқатдан ҳам у ушбу маблағларни чекга асосан банкдан олганлигини ва тўлов қайдномаларига асосан мактаб ходимларига тарқатганлигини, ўша пайтда 2019 йилда июль ойида ходимларга тарқатилган пул маблағидан 12.130,0 минг сўм ортиб қолганлигини, шунда у ушбу ҳолатни мактаб ҳисобчиси Э.Сотволдиевга айтганида Э.Сотволдиев унга ушбу пулни унга беринг, ҳозирда текширувчилар уни текширишмоқда эканлигини, ушбу камомадларни ёпиб туршини деб ундан ушбу пулни олганлигини, шу сабабли у ушбу пулни Э.Сотволдиевга берганлигини, ушбу 12 млн. сўм пулни Э.Сотволдиевни ўзи ишлатиб юборганлигини, шунингдек, 2020 йил март ойида ҳам у банкдан иш ҳақи сифатида олган пулларида ҳам 10.251,9 минг сўм ортиб қолганлигини, ушбу ҳолатда ҳам у Эркинга пул ортиб қолганини айтганида, Эркин унга камомади чиқиб қолганлигини, бошқа мактаблардан ҳам олганлигини, ушбу камомадни ёпиш учун бу пул деб ундан ушбу 10.251,9 минг сўмни олиб кетганлигини, у ҳақиқатдан иш ҳаққи пуллари банкдан чекга асосан барчасини ўзи олганлигини, 2019 йил июль ойи касса ҳисоботидаги 2019 йил 31 июль куни уни номига ёзилган AGB 7368311-сонли чек ва 2020 йил 18 февраль санасида AGB 7353219-сонли чекдаги имзолар унга тегишли эканлигини, у ушбу чекларга асосан пул маблағи олганлигини, шунингдек ўша асоссиз ҳаражатга чиқарилган пул маблағларини ҳисоботларида ҳам барча маблағлар тарқатилгани ҳақида Э.Сотволдиев билан бирга сохта ёзувлар киритганлигини, у ушбу камомадни ҳозирда тўлиқ тўлаб келганлигини, у ушбу аниқланган камомадни 10 млн. сўмини, 12.391.700 сўмини ХТБ бош ҳисобчиси ёрдамчиси Мухаммадюсуф ака унга берганлигини ва бирга ушбу маблағни банкга бирга бориб уни номидан тўлаб келганлигини, Мухаммадюсуф акани ушбу пуллари тўлашига сабаб уни касса ҳисоботларида уни номидан Мухаммадюсуф бажариб келганлигини, шу сабабли ушбу ҳолатда уни ҳам айби бўлгани учун ушбу пуллари 12 млн. қисмини у тўлаб берганлигини баён қилиб кўрсатув берган.

Гувоҳ Қ.Юлдашев судда, ҳақиқатан ҳам у, 2010 йилдан буён Булоқбоши тумани ХТБ тасарруфидаги 26-мактабда ҳозирда эгаллаб турган мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўрибосари вазифасида ишлаб келаётганлигини, унга қўшимча жамоатчи ғазначи вазифаси ҳам юклатилганлигини, унинг директорининг хўжалик ишлари бўйича ўрибосари вазифасида вазифаларига умумтаълим мактабидаги барча асосий воситалар ва товар моддий бойликларини бут холда сақлаш, белгиланган тартибда ҳаражатга чиқариш, умумтаълим мактабидаги тех ходимларнинг иш ҳажмларини бажарилишлари ҳисобига иш вақтини ҳисобга олиш табелларини ойма-ой тузиб, тасдиқлаб бориш ва бошқа шу кабилар киришлигини, бундан ташқари унга қўшимча юклатилган жамоатчи ғазначи вазифасида



вазифаларига банк муассасига бориб ходимлар учун ажратилган нақд пул маблағларини олиб, мактаб ходимларига тўлов қайдномаси орқали тарқатиб сўнг касса хисоботини тузиб мактабга бириктирилган хисобчига бериш ва бошқа шу кабилар киршлигини, 26-мактабда ҳақиқатдан касса ҳисоботлари ҳаққонийлиги ўрганилганда 2019 йил 6 та ҳолатда 35.080,1 минг сўм, 2020 йилда 3 та ҳолатда 52.125,5 минг сўм жами 87.205,5 минг сўм нақд пул маблағларини ҳаражатга чиқарилганлигини тасдиқловчи хужжатлар бўлмасада, асосиз ҳаражатга чиқарилганлиги аниқлангани тўғрилигини, нақд пул маблағларини банкдан чек орқали олиб чиқиб ишчи ходимларга тарқатиб, ойлик касса хисоботларини тузиб хисобчига топшириш уни хизмат вазифасига киришлигини, лекин у бухгалтерия хисоботларини билмаганлиги сабабли туман ХТБ томонидан мактабига бириктирилган хисобчи Э.Сотволдиев унга ушбу касса хисоботларини ўзи тайёрлаб беришлигини, унга ушбу пул маблағларини банкдан олиб чиқишим учун туман ХТБ томонидан бириктирилган хисобчи Э.Сотволдиев унга пул маблағини олиб чиқиши учун чек ёзиб берганидан сўнг у банкга бориб ушбу пул маблағини олиб чиқганлигини ва ушбу пул маблағини мактаб ишчи ходимларига тарқатиб тўлов қайдномасини Э.Сотволдиевга топширганлигини, у банкдан олиб чиқган пул маблағларидан тўлов қайдномаси бўлмаган 37.000,0 минг сўм пул маблағи ҳамда қолган 50.000,0 минг сўм пул маблағини хар ойда ортиб қолган пулларни хар хил суммада берганлигини, Э.Сотволдиев ушбу пул маблағларини мактаб ходимларининг иш ҳақи хисобига аванс пулларига тўлов қайдномаси орқали тарқатиб касса хисоботини ўзи тузиб қўйишлигини айтганлигини, ушбу пулларни Э.Сотволдиев ундан қабул қилиб олиб мактаб ишчи ходимларига тарқатган ёки тарқатмагани ҳақида хабари йўқлигини, ушбу камомад чиққан ойлардаги банкга топширилган чеклардаги имзолар унга тегишли эканлигини, ушбу ойлардаги касса хисоботларини Э.Сотволдиев томонидан тузилган ва у ушбу касса хисоботларга имзо қўймаганлигини, агар мактабни ишчи ходимларини ойлик иш ҳақини тарқатганидан сўнг кассада ортиб қолган пул маблағларини кимга қандай қайтариш тартибини билмаганлигини, у иш фаолиятим давомида мактабни ишчи ходимларини ойлик иш ҳақи ва бошқа тўловларини барчасини ўзи тўлов қайдномалар орқали тарқатиб келганлигини, 2019 йил декабрь ойида мен мактабда меҳнат фаолиятим билан шуғулланиб юрган вақтида унга туман ХТБ хисобчиси Э.Сотволдиев қўнғироқ қилиб, банкга бориши кераклигини банкдан нақд пул маблағи олиб чиқиши учун чек ёзиб банкга бериб қўйганлигини, ушбу чекга асосан 10.255,2 минг сўм нақд пул маблағи олиб, туман ХТБга бориб бош хисобчи ёрдамчиси Исмоилов Мухаммадюсуфакага ушбу нақд пул маблағини бериши кераклигини айтганлигини, у Э.Сотволдиевни кўрсатмасига асосан банкга бориб 10.255,2 минг сўм нақд пул маблағини олиб чиқганлигини, нақд пул



маблағларини олиб чиқиб, туман ХТБга бориб бош хисобчи ёрдамчиси Исмоилов Мухаммадюсуфакани хизмат хонасига кирганида Мухаммадюсуфака хонасида эканлигини, у Мухаммадюсуфга Э.Сотволдиев банкдан олиб чиқган нақд пул маблағларини бериши кераклигини Э.Сотволдиев Мухаммадюсуфакага ўзи қўнғироқ қилиб айтиб қўйганини маълум қилганлигини, шунда унга Мухаммадюсуфака ушбу пул маблағлари суммаси қанча эканлигини сўраганида у Мухаммадюсуфакага 10.255,2 минг сўм эканлигини айтганлигини ва Мухаммадюсуфака ушбу нақд пул маблағларини уни қўлидан олиб, ушбу нақд пул маблағларини саноқдан ўтказиб тўғрилигига ишонч хосил қилганидан сўнг ушбу 10.255,2 минг сўм нақд пул маблағларини хизмат хонасидаги сейфга солиб қўйганлигини ва уни кетиши мумкунлигин айтганидан сўнг у унинг хизмат хонасидан чиқиб яшаш хонадонига кетганлигини, у ушбу 10.255,2 минг сўм нақд пул маблағларини ҳақиқатда мактабнинг ишчи ходимларига ойлик иш ҳақи учун тарқатилиши кераклигини билсада, лекин мактабнинг ишчи ходимларига тарқатмасдан, хисобчи Э.Сотволдиевнинг кўрсатмасига асосан туман ХТБ бош хисобчи ёрдамчиси Исмоилов Мухаммадюсуфакага бериб юборганлигини, ҳамда 2019 йил декабрь ойидаги касса хисобларини тузилаётган вақтда, ушбу 10.255,2 минг сўм нақд пул маблағларини касса хисоботида мактабнинг ишчи ходимларига тарқатилганлигини кўрсатиб ҳаражатга қичариб юборганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Д.Жумақова дастлабки терговда, Булоқбоши туман ХТБга қарашли 6-умумтаълим мактабида 2011 йилдан директор лавозимида ишлаб келишини, умумтаълим мактабларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.08.2017 йилдаги ПҚ-3231-сонли Қарорига асосан 2018 йилнинг 1 январь кунидан умумтаълим мактаблар бухгалтерия хизмати тугатилиб, Булоқбоши туман халқ таълими бўлими марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматига ўтказилгани, шунинг учун улар ҳар бир мактабда ишлаётган ходим-ўқитувчиларни ишлаган ёки ишламагани, келган ёки келмаганлигидан келиб чиқиб, директор ўринбосарлари табел тузиб, унга тақдим этиши, у уларни тасдиқлаб, Булоқбоши туман ХТБ марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматига тақдим этишини, шу табел асосида уларнинг мактабга бириктирилган ҳисобчи Э.Сотволдиев табелни “Уз асбо” дастурига тушуриб, иш ҳақини ҳисоблаб, уни бош ҳисобчига юборишини, сўнг ходимларга ойлик иш ҳақи тўланишини, у ишлаб келаётган вақтидан буён мактабда ишловчи педогог ходимларга ойлиш иш ҳақилари тўғри тўланиб келгани, бироқ у текшириш жараёнида 30.06.2020 йилда ойлик иш ҳақи тарқатилгани тўғрисидаги 98-сонли тўлов қайдномаси орқали 15 млн. сўм пуллар тўлангани ҳақида сохта ҳужжатлар тузиб ушбу пуллар талон-тарож қилинганлигини билгани, уни ушбу қайдномадан хабари бўлмагани, 30.06.2020 йилда 6-мактаб ходимларига 98-сонли



тўлов қайдномаси орқали 15,0 млн. сўм тўлангани ҳақида тўлов қайдномасидаги ташкилот раҳбари Д.Жумакова графасидаги имзо унга тегишли эмаслигини, уни имзосига ўхшатиб бирор-бир шахс қўйган бўлиши мумкинлигини, тўлов қайдномасидаги рўйхатда кўрсатилган 24 нафар ишчи ходимлар томнидан қўйилган имзолар ҳам улар томонидан қўйилмагани, улар ушбу пулларни олмагани, бундан ташқари 2021 йил июнь ойида у мактабда бўлган вақтида уни олдига туман ХТБ бугалтериясида ишловчи Муҳаммадюсуф келгани, ўша пайтда уни қўлида қандайдур қоғоз бўлгани, Муҳаммадюсуф ундан ўринбосарини чақиришини сўрагани, ўша пайтда ўринбосари йўқлигини айтганида, Муҳаммадюсуф унга қўлидаги қоғозни кўрсатиб ушбу рўйхатда кўрсатилган ходимларга 15 млн. сўм ойлик иш ҳақи тўлангани ҳақида ведомост тузиб ўша ходимларга имзо қўйдириб беришини, ХТБ мудирини топшириғи эканлигини айтгани, у унга нима сабабдан деб сўраган вақтида у ҳозирда ХТБда текшириш кетаётганини, шу пуллар тўланган маблағлар эканлигини, шу сабабли ведомост қилиб бериш кераклигини айтгани, у рози бўлиб, уни қўлидаги қоғоз рўйхатни олиб қолгани, сўнг у ўша пайт Муҳаммадюсуф кетганидан сўнг ўринбосари Раҳимахонни чақириб Муҳаммадюсуф олиб келган рўйхатни кўрсатиб уни гапларини айтгани, у ушбу ҳолат нотўғри эканлигини билиб, Муҳаммадюсуф айтган ҳужжатларни қилиб бермаганини баён қилган.

Гувоҳ Б.Солиева судда, 1995 йилдан буён Булоқбоши тумани ХТБ тасарруфидаги 6-мактабда ҳозирда эгаллаб турган кадрлар бўйича менежмент вазифасида ишлаб келаётгани, унга қўшимча жамоатчи ғазначи вазифаси 07.11.2019 йилда юклатилгани, 6-мактабда ўтказилган назорат тадбирида 2020 йил июнь ойи мактабнинг касса ҳисоботида 2020 йил 18 июнь куни уни номига ёзилган AGB 7609770-сонли чек билан “Агробанк” Булоқбоши филиалидан иш ҳақи учун олинган 15.540,0 минг сўм нақд пул маблағлари педагог ходимларга иш ҳақи ҳисобланмасдан, уларга нақд пул маблағлари берилмаган бўлсада, 2020 йил июнь ойи биринчи ярми аванси учун 98-сонли тўлов қайдномаси билан харажатга чиқарилганлиги аниқлангани, ушбу ҳолат юзасидан 2020 йил июнь ойи биринчи ярми аванси учун тузилган 98-сонли тўлов қайдномасида номлари кўрсатилган 24 нафар педагог ва ишчи ходимлардан 18 нафар педагог ва ишчи ходимлар ўзларининг тушинтириш хатларида ушбу тўлов қайдномасида кўрсатилган нақд пул маблағларини олмаганликлари ва тўлов қайдномасидаги имзолар уларга тегишли эмаслигини баён қилишгани, уни ушбу 15.540,0 минг сўм нақд пул маблағларини ишчи ходимларга тўлов қайдномаси орқали тўланганидан хабари йўқлигини, у ушбу пулни банкдан олмагани, 2020 йил 18 июн кунги “Агробанк” Булоқбоши филиалидан иш ҳақи учун 15.540,0 минг сўм нақд пул маблағлари олингани ҳақидаги уни номига ёзилган AGB 7609770-сонли



чек ва тўлов қайдномасидаги кассир графасидаги ва пулни олган шахс графасидаги имзолар унга тегишли эмаслигини, пулларни у чек орқали олмагани, 2021 йил июнь ойида уларни 6-мактабига туман ХТБда ёрдамчи ҳисобчи Муҳаммадюсуф ака келгани, директор билан гаплашиб кетгани, сўнг директор Дилбар опа уларга, яъни ходимларга йиғилиш қилиб, Муҳаммадюсуф ака рўйхат ташлаб кетганини, ушбу рўйхатда кўрсатилган иходимларга 15 млн. сум тарқатилгани ҳақида ведомост тузиб имзо қўйиб беришларини сўраётганини айтганини маълум қилгани, улар олмаган пулларига имзо қўйиб бермасликларини айтиб, рози бўлишмаганини баён қилди.

Судланувчи М.Исмоиловнинг содир этган жинояти, унинг ўз айбига қисман иқдор бўлиб берган кўрсатмаларидан ташқари, фуқаровий даъвогар С.Нурматовнинг суддаги, гувоҳ Э.Сотволдиев, Б.Солиева, Қ.Юлдашев ва М.Исмоиловларнинг дастлабки тергов ва суддаги, гувоҳ Д.Жумақова ва Х.Қодироваларнинг дастлабки терговдаги кўрсатмалари билан, текшириш далолатномалари ва уларга илова қилинган ҳужжатлар, Халқ таълими вазирлиги ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганиш маълумотномалари ва уларга илова қилинган ҳужжатлар, суд-хатшунослик экспертизаси хулосаси, тушунтириш хатлари билан ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи М.Исмоиловнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан М.Исмоиловнинг:

-хавфли рецидивист бўлгани ҳолда мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б, в, г” бандлари билан;

-давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот мансабдор шахсининг ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, ҳужжатларни қалбакилаштириб давлат ва жамоат манфаатларига жиддий зарар етказишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган

Чунки, М.Исмоилов 2018 йил 2 январдан Булоқбоши тумани Халқ таълими бўлими марказлашган ҳисобхонаси бош ҳисобчи ўринбосари лавозимида ишлаб келиб, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, бошқа шахс (*жиноят ишининг унга оид қисми мазмунан ҳал қилинган*) билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, зиммасига Булоқбоши тумани ХТБга қарашли 6, 13, 14 ва



17-умумтаълим мактабларининг ишчи-ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш вазифаси юклатилганлигидан фойдаланиб, мансаб мавқеини суиистеъмом қилиш йўли билан, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали, мактабларда меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларга ишдан озод бўлган даври учун иш ҳақи, ходимларга асоссиз ҳисобланиб тўланган қайта ҳисобкитоб қилинган иш ҳақи, педагог ходимларга соатбай дарслари учун ортиқча иш ҳақи, асоссиз мукофот пулларини ҳисоблаш орқали, банкдан иш ҳақи учун ортиқча нақд пул маблағларини олишга эришиб, касса ҳисоботида асословчи ҳужжат бўлмасда пул маблағларини асоссиз ҳаражатга чиқариш ва бошқа усуллар билан, 6-умумтаълим мактабида 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда жами бўлиб 15.540.000 сўм, 13-умумтаълим мактабида 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда 22.000.000 сўм, 14-умумтаълим мактабида 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда 14.500.000 сўм, 17-умумтаълим мактабида 2019 йил 1 июлдан 2021 йил 1 апрелга қадар бўлган даврда 9.100.000 сўм, жами бўлиб 61.140.000 сўм пул маблағларини ўзларининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиб, давлат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 10-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 5-қисмида моддий зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандига кўра, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилган бўлиб, ушбу қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Олий суд Пленуми қарорлари талабларига амал қилиб, судланувчи М.Исмоиловга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини,



узил-кесил 1 (бир) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Андижон вилояти Булоқбоши туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

_____га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, маҳкум ва фуқаровий даъвогар эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида Андижон вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

И.Норматов

ҳукм нусхаси аслига тўғри:

